


ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ БИРЛИГИ

Сайловчиларнинг Д. Ф. УСТИНОВ билан учрашуви

жариш учун ҳаракат қизғин.
И. РУСТАМОВ



И. РУСТАМОВ

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

«ЯНГИЕР»
ИЛГАРИЛАМОҚДА
Қўриқ ер футболчилари «А» классида биринчи марта қатнашганликлари қарамай, чиройли ўйинлари билан мухлисларни ҳушдор этмоқдалар. Янгилерликлар сафардаги кейинги икки ўйини галаба билан янгилади. Улар аввал Челябинск шаҳрида маҳаллий темиркўчаларини 1:0 ҳисобида енган бўсалар, 24 май кунини тажрибали командалардан иккинчисини — Уфанинг «Строитель» коллективини ўз майдонидан 2:0 ҳисобида таслим этдилар. Ҳозир «Янгилер» республиканинг беш вақили ичидан энг яхши натижа кўрсатиб турибди. Бу коллектив саккизи ўйиндан тўрттасини галаба билан янгилади. Бир ўйинда дурагга эришди ва 9 очко тўпладилар.

Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари аввалги мавсумдагидек яна рақиблар майдонидан очко ололмади. Кетма-кет уч турда Фарғона футболчилари дарвозасига беш тўп киритди. Бунга «Нефтяник» битта тўп билан ҳам жавоб қайтармади. Сўнгги турда у Оренбургда «Локомотив»дан 0:2 ҳисобида енгилди.

Областнинг «Политотдел» футболчилари нҳоят биринчи галабига эришдилар. Улар ўз майдонидан Термизнинг «Автомобили» командасидан икки очко олдилар (1:0). Бу галаба «Политотдел»нинг сўнгги ўйиндан бир поғона юқорида кутариб, Колхоз қомандаси илгари шухратини тиклаш учун ҳали кўп тер тўкиши керак.

Сўнгги турнинг қолган учрашувида қўйидаги ҳисоблар қайда қилинди: «Металлурги» (Тошкент) — «Динамо» (Кировобод) 1:1; «Урален» (Нижний Тагил) — «Звезда» (Пермь) 0:1; «Нефтяник» (Томск) — «Зенит» (Ижевск) 1:2; «Локомотив» (Челябинск) — «Зарашон» — 3:0; «Металлурги» (Магнитогорск) — «Одой» — 3:0. Турнирда Пермь шаҳри футболчилари 12 очко билан пенсационлик қилишмоқда.

ПЕТРОСЯН ЯРИМ ФИНАЛДА

ГФР грессмейстери Роберт Хюбер совет грессмейстери Титран Петросян билан чорак финал матчида давом эттиришдан воз кечди. У асабни жидатдан жуда тоққанлигини баҳона қилди. Шундай қилиб, матчида Петросян галаба қозонди. Маълумки, у рақибини еттирича партида ютиб, ҳисобни ўз фойдасига 4:3 қилган эди.

Москвада Геллер-Корчой матчида олти партидан сўнг Корчой 3,5:2,5 ҳисобида олдинда бормоқда. Петросян ма-на шу матч галаби билан ярим финалда учрашади.

ЛЕВ ЯШИН: „БУ ЎЙИНИНГ ҲАҚИҚАТИ ЁДДА САҚЛАЙМАН“

Жаҳон футбол „юлдузлари“ терма командаси — „Динамо“ (СССР) терма командаси

Номи спорт оламига жуда машҳур бўлган таниқли совет дарвозабони Лев Яшин футбол майдонидан ўйинларини тугатди. 27 майда Москвадаги В. И. Ленин номи Марказий стадионда у ўзининг «Динамо» клуби дарвозасида сўнгги бор туриб, жаҳон футбол «юлдузлари» командасига қарши хайрлашуу матчида ўйнади.

Маълумки, Яшин билан хайрлашуу ўйинида қатнашмиш учун 12 мамлакат футбол «юлдузлари» Москвага келишга розилик бердилар. Булар «Мазуркевич» (Уругвай), Виктор Иво (ЧССР), Жоржефф (Франция), Месей (Венгрия), Шулц (ГФР), Факкетти (Италия), Алчок (Польша), Беккенбауэр (ГФР), Куна (ЧССР), Бонес (Болгария), Любанский (Польша), Мюллер (ГФР), Жаңч (Югославия), Жеков (Болгария), Думитраке (Руминия) ва Б. Чарльстон (Англия). «Динамо» составида Ишининг клубдош дўстлари ҳамда шу жамиятнинг Киев, Тбилиси ва Минскдаги энг яхши футболчилари ўйнайдилар. Бу футболчилар Яшин билан бирга СССР терма командаси шарафини ҳимоя қилишган. Улар москвалик Пилыуг, Шабалов, Зиков, Сабо, Жуков, Семин, Колосов, Авруцкий, Штребков, Тбилисский Хурцидзе, Киевский Пузач ва Хмельницкий, минский Малодеев ва Сахаровлариди. Учрашувага ҳалқ аро тоғлилар арбитрлар Тоғи Бахрамов (Бок), Павел Казаков (Москва) ва Карло Грушави (Тбилиси) судьялик қилдилар.

Хайрлашуу матчи арасида АПН мухбири Лев Яшин билан учрашиб бир неча саволларга жавоб беришни ундан илтимос қилди.

— Совет футбол мухлислари сизнинг чет эллардаги кўп соғин мухлисларингиз қатори сиз дарвозабон сифатида сўнгги марта майдонга тушадиган 27 майдаги учрашувини қизиқиш билан кўймоқдалар. Бу сиз учунгина эмас, футболни севган ҳамма кишилар учун катта воқеадир. Шу муносабат билан хайрлашуу матчида тайёрланаётиб, сиз ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз?

— Мен футболни жуда севман. Шунинг учун ҳам 27 майда ўзининг сўнгги ўйинини ўтказётганлигим билан афсуслана-ман. Ўйлаётганим, ҳар қандай спортчи учун спорт билан хайрлашуу матчида ҳамма маъносиз бўлади. Аммо, футбол ёшларингиз

ўйини, буни тушунган ҳолда мен ётгани билан бафуржа ўйлаб ўз қароримга келдим.

Мен футболда узоқ ва жуда қизиқ ҳаётни бошдан кечирдим, унда эсда қолганим воқеалар, қизиларни танишувлар. Ёшларимда кўп бўлди. Лекин, шубҳасиз, 27 майдаги матчи мен бир умр эслаб қоларман. Бу матчида катта ҳажон ва оранчи билан кутмоқдаман. Бу сўнгги ўйини иложи борича яхшироқ кўтиб олиб, уш дуруст ўтказганим келди.

Биргина «Динамо» клуби составида сиз иштирокида янги майдонга ўйнадингиз. Футбол билан боғланган ва сиз учун энг муҳим бўлган воқеалар ҳақида қисқача сузлаб берсангиз?

— Югорда айтганимдек бундай воқеалар жуда кўп бўлган, уларнинг ҳаммаси ҳақида эслаш, албатта, қийин. Зотан, мен «Динамо» составига келиб қўйилганда анча илгари ўйнаб бошлаган эдим. Ўша вақтда 14—15 ёшда эдим. Аввалига ҳамма болалар қатори бўм-бўш майдонда ўйнадим. Сўнг Тушинодаги заводда слесарга шогирд бўлиб ишга киргач, завод командаларини составида ўйнаб бошладим. Ўша вақтда футболни ҳам, хоккейни ҳам севардим, шунинг учун ёзда яшн майдонда, қишда эса муз устида ўйнардим. У вақтда мен Аркадий Чернышев пайцаб қолди. Ҳозир у «Динамо» хоккейчиларининг ва СССР терма командасининг катта тренери. У ҳам кўплар қатори футбол ҳам, хоккей ҳам ўйнади. У менга «Динамо» ўқимлар мактабидан тренерока қилишни таклиф этди. Бунга мен рози бўлдим.

Узоқ ўтмиш ҳақида эслашдан мақсад шунки, улар менинг спортдаги биринчи қадамларим эди. 1951 йилдан бошлаб «Динамо»нинг асосий составида ўйинга тушдим, 1954 йилда эса футбол бўйича СССР чемпионининг биринчи медалини олдим. Бундай воқеа ҳам унутилмайди. Шу вақтда СССР терма командаси составига киритилдим. Бу жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидаги стадионларда ўйнашимга имкон яратди. 1956 йили совет командаси Мельбурндаги олимпиада футбол турнирида ютиб чиқди. Олимпиада олтин медаллари олганлардан бири бўлганим билан фахрланаман. Сўнгра Европа кубогининг биринчи мусобақасида (1960 йил)ги галаба, СССР терма командаси составида учта жаҳон чемпионатларида: Швеция,

Чили ва Англияда, ҳар бир ўйин катта воқеа бўлган жаҳон чемпионатларида иштирок этдим. Албатта, ФИФА «юлдузлар» командаси составида ўйнаганларимни ҳам алоҳида мамнуният билан эслайман. Мен энг яхши футбол усталари билан бирга уч марта, шу жумладан Лондондаги машҳур «Уэмбли» ва Рио-де-Жанейродаги «Маракана» стадионларида ўйнаш шарафига муяссар бўлдим. Булар алоҳида спорт байрамларида айланган эди. Яна бир воқеани унутмайман. 1960 йили Европанинг энг яхши футболчилари сифатида менига «Франс-футбол» ҳафталигининг соврини — «Олтин тўп» топширилди. Бундай юксак мукофотни олиш мен учун гоята мароғин эди.


— Сиз жаҳон футболнинг кўпгина «юлдузлари» билан ўйнагансиз. Ўзингизнинг хайрлашуу матчинингизда қатнашувчи команда составини белгилаганингизда нимага эътибор бердингиз?

— Мен бу командада Европа мамлакатлари каби Латин Америка мамлакатларидан ҳам кўпроқ энг яхши ўйинчилар бўлишини истардим. Ана шундан келиб чиқиб, мен СССР Футбол федерацияси билан бирга матчида таклифномада ижтнатдим. Назаримда бу мақсадга асосан эришдим. Европа футболдан кўпгина машҳур ўйинчилар қатнашди. Шу жумладан, Мексикадаги жаҳон чемпионатининг энг яхши мерган Мюллер бўлди. Латин Америкаси футболчи уругвайлик аjoyиб дарвозабон Мазуркевич (унинг ўйини мен жуда юқори баҳолайман) ва Мексика терма командасининг капитани Химойа. Пеня (унинг ҳимойининг ҳал қилувчи эвеноси ва моҳир ташкилотчиси сифатидаги ўйини яхши маълум) тимсида кўринади. Кези келганда

— Ҳозир сиз «Динамо» командасининг бошлисиз. Янги лавозимда ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз?

— Мен ўзининг «Динамо» клубида, таниш шaroитда қолдим. Бу ҳол менинг янги асосан маъмурий, лекин футболчиларини тарбиялаш масалалари билан, ўз тажрибамни ён ўйинчиларга ўргатиш билан боғлиқ бўлган фаолиятимни бошқача қилиб айтганда иккидир, соф футбол масалалари билан боғлиқ бўлган фаолиятимни бошлашни осонлаштирди. Мен ўз клубимга янги лавозимда ҳам фойда келтираман, деб ҳисоблайман.

(АПН).



Дўне хабарлари

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК САМАРАЛАРИ

Бутунжаҳоний қўшнимиз Афғонистоннинг мустиқлигини кўни. Афғон халқи озодлик кўнини эллик иккинчи марта нишонламоқда.

Ана шу давр ичида Афғонистоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Хўжалик соҳасида анчагина ютуқлар қўлга киритилди, халқнинг моддий ва маданий турмуши бирмунча яхшиланди. Нишолларда ва шаҳарларда катта ўзгаришлар рўй берди.

Афғон халқи ва ҳукумати мустиқлигининг биринчи кунини бошлб мустамлакачилар ҳуқуқларини йиллардан қолган оғир мусибатларини тугатишга киришди. Қисқа муддат ичида мамлакатда миллий экономика янги кўтарилиб.

Мамлакатда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг икки беш йиллик плани яхши натижалар билан янгилади. Ҳозирги кунда эса Афғонистон халқи учинчи

беш йиллик (1967-1972) плани муваффақият билан бакармоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, Совет Иттифоқи Афғонистоннинг тараққиётига ҳар томонлама ердан бериб келди. Ҳар иккала беш йилнинг ушбу программасини амалга оширишда Совет ҳукумати жуда катта иқтисодий ва техникавий ердан кўрсатди.

Совет Иттифоқининг самийи ва бағарз ердан билан Афғонистонда бир янги ишпоотлар қад кўтарди. Жумладан, Кушка-Хот, Қандаҳор, автоматобиль турли оранжи утадиган Қобу-Мазори-Шариф утрасидати йул, афғон машинасозлигининг тўнчи бугунги йилгача авторемонт заводи, Қобул ҳамда атраф-теварадаги шаҳарларнинг корхоналарига қувват бераётган Нагла гидроэлектростанцияси, Қобул уйсозлиги номбинияти, политехника институтини ва бошқа ана қатор объектларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, Жалолобод ирригация системасининг очилиши мамлакат тарихида муҳим воқеа бўлди. Чунки, Жалолобод ирригация системаси Нангнаҳор вилоятининг ўтмишдан қолган қишлоқ хўжалигини тубдан яхшилади ҳамда бу ўтмишнинг энг юксак натижасини кўтаришда, шаҳар ва қишлоқ турмуш шароитини ўзгартиришда катта роль ўйнади. Ҳозир Жалолобод водисиде Совет Иттифоқининг ерданга қўйилган бекатлари ҳамда блокларга ва ҳарбий турушларга қўйилмаслиқдан иборат ташкил сисбат, унинг мустамлакачиларнинг барча шадларини ва қўришларига қарши чиқатганлигини ердан тинчилигини сақлаш ишга. Яқин ва Ўрта Шарк райониде вазиати яхшилашга ердан бермоқда.

У. ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

ИНДИРА ГАНДИ НУТҚИ

ДЕХЛИ. 25 май (ТАСС). Хиндистон Бош вазири Индира Ганди кеча парламентда сузлаган нутқида Шарқий Покистондаги воқеалар Хиндистонда «тинчликка, ҳаф» тугдиради, деди. Индира Ганди бу проблемани ҳарбий йўл билан бартараф қилиш мумкин эмас, деб яна таъкидлади.

Индира Ганди буюқ давлатларга мурожаат қилиб, Шарқий Покистон проблемасини сиёсий йўл билан ҳал этиш учун ердан беришга даъват этди.

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕРНАЦИОНАЛ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ХЕЛЬСИНКИ. 25 май (ТАСС). Бугун бу ерда социалистик интернационал кенгашининг сессияси очилди. Сессия уч кун давом этади. Бу сессияда 35 мамлакатдан 150 га яқин киши, шу жумладан социал-демократиянинг машҳур аълоблари қатнашмоқдалар. Булар орасида инглиз лейбористларининг раҳбари Гарольд Вильсон, Норвегия Бош вазири Трюеве Братегли, Финляндия социал-демократик партиясининг раиси Рафаэль Пааси, социалистик интернационалнинг раиси Труно Питтерман ва бошқалар бор.

Сессиянинг кун тартибиде учта асосий масала: «Халқаро аҳоли», «Европада тинчлик ва ҳамкорлик сисбати», «Учинчи дунё мамлакатларида сиёсий ҳамкорлик ва иқтисодий таъриқ» масалалари бор.

Эрталаби мажлисда Гарольд Вильсон «халқаро аҳоли» тўғрисида доклад қилди.

ҲУКУМАТ НАЗОРАТ ҚИЛИБ ТУРИБДИ

КОЛОМБО. 25 май (ТАСС). Расмий ахборотда ҳукумат бугун мамлакатдаги вазиятни ўз назорати остига олганлиги айтилади. Цейлон армияси, ва полицияси оролнинг узоқ тоғлиқ ва ўрмон районларида ясенчиларнинг қондиқларини тугатиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Ахборотда шунингдек Цейлон халқи билан ҳукумат қўшнларини ўртасида мустоҳкам ҳамкорлик маъмуриятга таслим бўлаётган икенчиларни таъминлаш паронадналика солганлиги таъкидлаб ўтилади.

ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ХАНОН. 25 май (ТАСС). Озодлик матбуоти агентлигининг маълумотларига қараганда, Жаҳоний Вьетнам халқ озолиқ қуроли қучлари 20 кундан 23 майгача Куангчи вилоятининг номинида Америк-ка-Сайгон қўшинлариде 200 га яқин солдатни сақдан чиқардилар, ўқдор қўйилган 17 омборни портлатдилар, учта ҳарбий машинани яқсон қилдилар. Американинг бир вертолётини уриб туширгандилар.

Жаҳоний Вьетнам ватанпарварлари 28 апрелдан 13 майгача Сайгон атрофида олиб бориладган жангларда душманининг 230 солдатини қириб ташладилар, уч ҳарбий кемани ботирдилар, кўп миқдордаги қуроляроқларини ўлжа олдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ХЕЛЬСИНКИ. 25 май. Хельсинки грек хўнасининг диктаторлик режимига қарши ёшларнинг оманий норозилик намоиши «Грецияга озодлик» «Грецияда демократия тикланиши» деган шiorлар остида ўтди. «Греция озодлиги учун» фин комитети уюштирган бу намоишда Хельсинкидаги ёшлар ва студентлар ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

ОСЛО. 25 май. Норвегия спортнинг денгиз ва океанлар тағида ва бағрида ядро қуролини ва ялли қирғин қуролининг бошқа турларини жоиллаштиришни таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Норвегия спортнинг ташкил сисбати комитети раисининг ушунисораси Кнут Фрюдендунд шартноманинг ратификация қилинишни шарҳлаб, «Арбейдербадлет» газетасида қўйидагиларни ёзди: қуроляроқлар устидан контрол ўрнатишнинг бошқа чоралари билан бир қаторда шартноманинг кўчга кириши халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисида музоаралар олиб бориш учун янада қўлай вазиятни явулгача келтиришга ердан беради.

КАРОЧИ. 25 май. Покистон президенти Яҳёхон матбуот конференциясида нутқ сузлаб, ҳокимиятнинг халқ сайлаб қўйилган вакиллари қўлига тинч йўл билан топшириш планини иккинчи ўрдадан кейин эълон қилишга умидворман, деди.

Президент ўз нутқида мамлакатнинг иқтисодий аҳолига ҳам қўхталаб ўтди. Унинг айтишича, мамлакатнинг иқтисодий аҳоли «жуда оғир». У Шарқий Покистондаги вазиятни нормаллаштириш—ҳозирги пайтнинг энг асосий вазифаси деб таъкидлади.

МАРОҚЛИ ДАМ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Чотқол тизма тоғлари бағрига жойлашган Сўқоқ қишлоғида бўлаётгансиз? У ернинг гўзал табияти, дилкаш кишилари билан танишганимиз? Бу ернинг ширин-шарк—омалари шарафига гўла узуларини тоғи кўрганганимиз?

Қўлаб меҳнатқиларини ўзига мафтул этаётган «Сўқоқ» дам олиш уйи худди шу ерда жойлашган.

Дам олиш уйида яхши дам олиш учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Вазилар билилард ўйнаса, айримлар шахмат доналарини суриб, асабларини пешлайдилар. Қўчилик кутубхона залида газета-журнал, бадиний асар ўқийди. Рақс майдончасида эса ҳамма турли қўшқилар ўйналар, рақс ва ёқимли қўшқилар билан банд. Саёҳат илҳомландилар бундан кўп.

Дам олиш уйига республиканинг турли областларидан, ҳатто қардош республикалардан ҳам қўлаб кишилар келиб турар экан. Биз уларнинг қўчилигини богда учратдик. Улар дам олиш уйидан қайтаётганларида ҳордиқхонанинг «Таклиф ва мулохазалар» дафтарига ўз таассуротлари, миннатдорчиликларини изҳор қилиб, илқ сўзларини ёзиб қолдиришди.

Москва шаҳридан келган Витаслав Владимирович Неустров ўз умр йўлдоши Галина Сергеевна билан шу дам олиш уйида бирликлда дам олган экан. Қайтар пайтида дам олиш уйи коллективига қўйидаги илқ сўзларини ёзиб қолдирибди:

«Биз Москвадан келиб, «Сўқоқ» дам олиш уйида дам ол-

дик. Ўзбекистонда биринчи мартаб бўлишимиз. Бу жой бизга жуда ёнди. Айниқса, дам олиш уйининг тоғ ён бағрига жойлашганлиги, територияси гуллар ва дархатлар билан бурканганлиги, бизни мафтул этди. Келгусида яна ўз меҳнат отпускамизни шу дам олиш уйида ўтказишни мақсад қилиб қўйдик».

Таклифлар дафтариини кўздан кечирар эканмиз, унинг саҳифаларида Бухоро областининг Навоий шаҳридан келган пенсионер Сўхон ота Суатонов, Фарғона областининг Қўқон шаҳридан келган кўп болалар она Турғунопа Курбонова ва бошқаларнинг дам олиш уйи ходимларига аталган самийи сўзларини ўқидик.

Дам олиш уйининг директори Орифхон Одиловнинг шу кунда қилинаётган ишлар ва келгусида бажарилиши дозим бўлган вазифалар ҳақида сузлаб берди.

— Дам олиш уйимиз йил бўйи ишлабди. Ёзда 125, қишда эса 175 киши дам олади. Бундан ташқари, бир ва икки кунлик путёвклар билан ҳар ойда 300—400 киши шабаба-яшанба кунлари дам олади.

Коллективимиз олдиде келгусида ҳам дам олиш уйини янада ободонлаштириш ваби масъулиятни вазифалар турибди. Жумладан, 300 киши оқ қатлавадиган ошхона, клуб бинолари қуриш, қишлоқ маркази билан дам олиш уйигагча бўлган 2 километрга яқин йўлга асфальт ётириш ишларини амалга оширишни кўзда тутаямиз.

Н. ҚАЙУМОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

УСМИРЛАР МАШИНАСИ
Англиянинг «Вонд» фирмаси ўсимирлар учун икки ўрнали спорт автомобилни ишлаб чиқара бошлади. Ташки қўришнинг ўзига хос бўлган уч гилдиракли, бу машина асосан шаҳардан чет жойларда юришга мўлжалланган. Бу мўъазгина машина тезлиги соатига 112 километрди.

ОЙНА БУҒЛАНМАЙДИ
Краковдаги ойна саноати таъриха-тадиқот институтини шунинг ва совуқдан буғлаймайдиган ойна ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Автомобиль учун мўлжалланган бу ойна юзаси ўзидан электр токи ўтказувчи гўя юзца тинч пленка билан қопланган. Ток ўтказилганда шу пленка илб

Реклама
ВА Эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.
ДА — 28/V да Дон Карлос.
ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ.
ДА — 27/V да Алионларим, 28/V да Уғирланган умр.
МУКНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/V да Фаргона тоғ отгунча, 28/V да Ташболат ошми, 29/V да Паранки сирлар.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Кунгабақор — «ЎЗБЕКИСТОН» (куфрт соатларда).
Биринчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (қундуз соат 11, 1, 3 ва кеч 7 да).
Самурайлар байрами — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (қундуз соат 3, кеч 8,45 минутда), НАВОИЙ номли (қундуз ва кечкурун).
Еш Богачениннинг изтироблари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (куфрт соатларда).
Сен менинг ҳаётимсан (2-се-рия) — НАВОИЙ номли (қундуз соат 2,40 да кеч 6,30 минутларда), «ВОСТОК» (қундуз ва кечкурун).
Екинтой наобон «Р» (қундуз соат 11,20, 1, 3, 5 ва кеч 7 да), Том Жонс (кеч соат 8,45 минутда) — САҲНАТ САРОНИ.
Ҳаётини беҳуда ўтказганлар — «ЧАНКА» (куфрт соатларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (қундуз ва кечкурун).
Белоруссия вонзали — «СПУТНИК» (қундуз соат 11, 3 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (ерталаб соат 10, қундуз 2, кеч 6 ва 8 да).
Гапиревриниши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (қундуз соат 12, 4, кеч 9,45 минутда).
ЕЗГИ БИНОДА
Лақа — ТЕЛМАН НОМЛИ.
Ҳаётини беҳуда ўтказганлар — «ФЕСТИВАЛЬ».
Белоруссия вонзали — «ХИВА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
28, 29, 30 МАЙ
КЕЧ СОАТ 8 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
М. ҚОРИЕҶУВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ
Ансамблининг бадий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА.
Ансамблининг музика раҳба-ри — Қодир БОБОЖОНОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Хонихон БОЛТАЕВ, Қоммуна ИСМОИЛОВА.
Ўзбекистон ССР халқ достончиси Курбоназир АБДУЛЛАЕВ. (Волла — Вахши).
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Сорохан ОЛЛОБЕРГЕНОВА, Сора-Биби АХМЕДОВА, Уллы-Биби БОЙ-ЖОНОВА, Норбек АБДУЛЛАЕВ, Солай ОРИҚОВ, Матинез ОЛЛОБЕРГЕНОВ.
VI Жаҳон фестивалининг лауреатлари: Гулсара ЕҚУБОВА, Отамурад ХОНИЕВ, Ота-ном РАҲАМБОВ.
Солистлар: Нурмухаммад БОЛТАЕВ, Шариф СУЛТОНОВ, Отамон МАТЕВУВОВ, Мурат ЮМАБОВЕВ, Ражаб ИСМОНОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ
АСОВЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Назрулла ЕҚУБОВ олиб боради.
ПРОГРАММАДА: халқ ашу-ла, нуй рақслари, намон ва достонлардан парчалар. Ўзбекистон композиторлари асар-лари.
Билетлар концерт зали нас-сасида қундуз соат 2 дан со-тилади.

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИГА
(Магазин-Маъвуқ кўчаси, 254-ун).
5, 6 разрядли электромон-тёрлар ва слесарлар (иш ҳақи-вақтай-мукофотли), дурадгор-лар, станокчилар, пардозло-чилар, мебель иловчи устал-лар, ёрданчи ишчилар (меҳнат ҳақи-ишбаи).

КЕРАК
«Чилонзор» массиви, «ХХП-Партсёзд», Революция хебо-ни маршрутлари бўйича фир-ма автобуслари хизмат курса-тадилар.
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жоиллаштириш ва информация қилиш бюросига учрашилсин.

ГУЛИСТОН ШАҲАР РЕМОНТ-МЕХАНИКА ТАЖРИБА ЗАВОДИГА
трактор ва экскаваторларни ремонт ва станок ускуналарини технологик жижозлаш ишчилари ва темирчи

КЕРАК
Ишга қабул қилинганлар турар-жой билан таъминла-дилар.
Мурожаат учун адрес: Гу-листон шаҳар, Фрунзе кўчаси, 20-уй.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ А-1757, Р-01500 ИНДЕКС-64697.